



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОЖХОНА ОРГАНЛАРИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА РАҶАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Шадибекова Дилдор Абдурахмановна,  
доцент,  
Тошкент давлат иқтисодиёт университети

**Аннотация.** Мақолада ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солишда божхона назорати ва унинг аҳамияти, иқтисодий фаолиятни ривожлантиришда божхона назоратини такомиллаштириш, божхона назорати ва божхона расмийлаштируви учун талаб қилинадиган хужжатлар сонини қисқартириш масалалари кўриб чиқилган. Мақолада ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантиришинг долзарб масалаларини таҳлил қилиш, божхона назоратида раҷамли технологиялардан фойдаланиш масалалари муҳокама қилинади.

**Калит сўзлар:** божхона маъмуриятчилиги, инновацион ёндашув, божхона органлари, раҷамли технологиялар, электрон декларация, божхона тўловлари.

**Мавзунинг долзарблиги.** Республикаизда сўнгги йилларда амалга оширилаётган ислоҳотлар самараси тобора яққол ўз натижасини бериб бормоқда. Бугунги кунда юртимизнинг айнан ташқи иқтисодий фаолиятдаги фаол ҳамкорлик муносабатларини изчиллик билан олиб бораётгани ҳамда ушбу жараёнларда ташқи савдо товар моддий бойликларини ва пассажирларни божхона назорати ва божхона расмийлаштирувидан ўtkазиш изчиллик билан такомиллаштирилиб борилаётгани мамлакатда ишлаб чиқарилаётган товарларнинг жаҳон бозорида ўз ўрнини топа олиши ва уларнинг мазкур бозорларда рақобатбардош бўлишида ўз аксини топмоқда.

Мамлакатимизнинг бозор муносабатларига ўтиши, ташқи савдо алоқаларининг ўсиб бориши, божхона чегаралари орқали йўловчилар ҳаракатланишининг ортиб бориши, миллий ва фуқароларнинг шахсий хавфсизлик масалаларининг йил сайин кучайиб бориши, замонавий технологияларнинг жорий этилиши ва жаҳон мамлакатлари билан иқтисодий интеграциялаш жараёнининг ортиши давр тақозосига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси божхона тизимини замон талабларига мос равища ислоҳ этишни талаб этмоқда.

Ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солишда божхона назорати ва унинг аҳамияти, божхона назоратини ўзига хос хусусиятлари, ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантиришда божхона назоратини



такомиллаштириш, божхона назорати ва божхона расмийлаштируви учун талаб қилинадиган щужжатларни сонини қисқартириш шу билан бирга, ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари фаолиятини мувофиқлаштириш услублари қаби масалалар муҳим ўрин эгаллайди.

Мамлакатимизнинг ташқи савдо сиёсатини ва унинг жорий ҳолатини таҳлил қилиш ҳамда халқаро савдони тартибга солишда божхона назоратининг тутган ўрнини тадқиқ қилган ҳолда мамлакатимизнинг ташқи савдо товар айланмасини ривожлантиришда божхона назорати ва уни соддалаштириш, шу билан бирга, жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиши жараёнида божхона назоратида амалга оширилаётган ислоҳотлар юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш ҳозирги куннинг долзарб вазифаси ҳисобланади.

Бугунги кунда жаҳонда юз бераетган сиёсий воқеалар, санкциялар билан боғлиқ чекловларга дуч келаётган ташқи савдо алоқаларини қўллаб-қувватлаш, мамлакатларда божхона қонунчилигини либераллаштириш, божхона процедуранини соддалаштириш ва шаффоғлигини таъминлаш, ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари учун қўшимча имтиёз ва шароитлар яратиш ҳамда савдони енгиллаштириш билан боғлиқ халқаро ташкилотларнинг тавсиялари ва стандартларини жорий этиш божхона соҳасини ривожлантиришнинг устувор вазифалари ҳисобланади.

Рақамли божхона механизми фаолиятнинг янги йўналиши сифатида божхона органлари фаолиятини анчагина соддалаштириш билан бирга ТИФ иштирокчилари учун янада қулайликлар яратишни мақсад қилиб қўяди. Шу билан бирга, буни амалиётга қўллаш орқали тизимда қўплаб ютуқларга эришиш мумкин. Ўз навбатида, рақамли божхона аслида рақамли иқтисодиётнинг бир бўлаги бўлганлиги сабабли ҳам мавзунинг нақадар долзарблигини англаради.


Республикамида олдида турган долзарб вазифалар қаторида ташқи иқтисодий фаолият ва ташқи савдони ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, шу жумладан, савдо айланмасининг ўсиши, иқтисодий алоқаларнинг кенгайиши ва инвестицион жозибадорликни оширишга қаратилган амалий чора-тадбирларни амалиётга жорий этиш каби устувор вазифалар ўрин олган. Ушбу жараёнга рақамли технологияларни жорий этиш тобора долзарб ва аҳамиятли бўлиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасига йўллаган Мурожаатномасида 2020 йилни “Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” деб эълон қилиш таклифини берди. Маълумки, жаҳонда рақамли технологиилар барча соҳаларда ҳал қилувчи роль ўйнаяпти. Белгиланган мақсадларга эришиш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги “Рақамли

Ўзбекистон-2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6079-сонли Фармони ва у билан тасдиқланган “Раҳамли Ўзбекистон-2030” стратегияси ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тасдиқланди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 июндаги “Божхона маъмуриятчилигини ислоҳ этиш ва Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-6005-сон фармони билан божхона идораларига, божхона маъмуриятчилигини ислоҳ этиш, божхона органлари фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда самарадорлигини ошириш, “қоғозсиз ва электрон божхона”нинг мантиқий давоми ва ривожланиши бўлган “рақамли божхонани” шакллантириш, шунингдек, божхона иши соҳасидаги умумэътироф этилган халқаро норма ва стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш каби топшириқлар берилган.

Бунинг учун эса ташқи савдонинг ривожланишига тўсқинлик қилувчи ҳар қандай чекловларни минималлаштириш ва божхона процедураларини автоматлаштириш кўзда тутилган.





Божхона маъмуриятчилигини оптималлаштириш ва соддалаштириш, шу жумладан, рақамли божхонага босқичма-босқич ўтиш бўйича ўз тасдиғини топган ва илмий асосланган ечимларни қўллаш бўйича хорижий давлатларда олиб борилаётган тадқиқотлар ва изланишлар, шунингдек, божхона органларининг фаолиятини баҳолашнинг оптималлаштиришда илғор хориж тажрибасини ўрганиш ва уни миллий божхона тизимиға татбиқ этиш механизмларини ишлаб чиқиш максадга мувофиқдир.

Замонавий ахборот коммуникация технологиялари ривожланар экан, у барча соҳаларга жадал суръатларда ўз таъсирини кўрсата бошлади. Жумладан, мамлакатлар иқтисодиётини рақамлаштириш ҳамда рақамли технологиялар ёрдамида барқарор иқтисодий ўсишга эришиш бугунги кун талабидир. Зеро, ривожланган ҳамда ривожланаётган мамлакатлар бугун жаҳон бозорига муваффақиятли интеграцияни амалга ошириш учун барча соҳаларда инсон омилини камайтириш, кўрсатилаётган хизматларни автоматлаштириш, сарфланаётган харажатларни камайтириш, шу билан бирга, фаолиятнинг шаффоғлигини оширишни асосий мақсад қилиб қўймоқда. Хусусан, мамлакат иқтисодиётининг бирламчи элементларидан бири бўлган божхона соҳасини ривожлантириш, ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиларига кенг имкониятлар тақдим этиш, божхона чегараси орқали ҳаракатланаётган фуқароларга қулайликлар яратиш мамлакатнинг божхона соҳасини ривожлантириш борасидаги ислоҳотларнинг асосий устувор вазифаларидан ҳисобланади.

Импорт тартиботларини соддалаштириш ҳамда божхона, санитария, ветеринария ва бошқа идоралар фаолиятидаги камчиликларни бартараф қилиш учун бир қанча ишларни амалга ошириш даркор.

Бугунги кунда товарларни импорт божхона режимига расмийлаштириш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 30 январдаги “Ўзбекистон Республикасида мувофиқлиги тасдиқланиши лозим бўлган мувофиқликни баҳолаш обьектлари рўйхатларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 43-сонли қарорига биноан жуда кўплаб товарлар мувофиқлик ва бошқа турдаги сертификатлар олингандан сўнг божхона расмийлаштируви амалга оширилади.

Шуни қайд этиш керакки, 2021 йил 21 июнда ҳукумат комиссиясининг 39-сонли баённомаси билан бугунги кунда ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар ўз эҳтиёжлари учун олиб келинаётган товарларига нисбатан мувофиқлик сертификати талаб қилинmasлиги белгилаб қўйилди. Лекин бугунги кунда ушбу товарлардан ташқари кўплаб товарларга нисбатан сертификат олиниши мажбурийдир (курилиш материаллари, қўмир, цемент, уй рўзғор буюмлари ва бошқа сотиш мақсадида олиб келинаётган ноистеъмол товарлар).



Фикримизча, ушбу қарордаги мувофиқлик сертификати талаб этиладиган товарлар рўйхатида озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармон воситалари ва инсон танасига таъсир этувчи воситаларгина қолиши керак. Қолган товарларни тадбиркорлик субъекти ўзи кафолат остида “эркин муомалага чиқариш” божхона режимига расмийлаштиргандан сўнг сертификат олиш амалиётини жорий қилиш керак. Бу расмийлаштирув жараёнини қисқаришига ва ТИФ қатнашчиларига жуда катта қурайлик яратади.

Иккинчи муаммо шундаки, ҳозирги кунда амалиётда 1975 йилда Женевада қабул қилинган Халқаро йўлларда ташиш китобчасини қўллаган ҳолда юкларни халқаро ташиш тўғрисидаги Божхона конвенцияси ҳамда Божхона кодексининг 227-234-моддаларида назарда тутилган тартиб бўйича Халқаро йўлларда ташиш китобчасини қўллаган ҳолда юкларни халқаро ташишга рухсат бериш тўғрисидаги гувоҳномаларни расмийлаштириш бевосита ҳудудий бошқармаларнинг божхона постлари ихтиёрига ўтказилган. Иш жараёнида юкларни халқаро ташиш учун рухсатноманинг қоғоз нусхаси ҳайдовчи (фирма вакили)да бўлса-да, расмийлаштирилган гувоҳномалар ЯААТ дастурига ўз вақтида киритилмасдан қолиб кетиши оқибатида ТИФ божхона пости ходимлари ва ҳайдовчи (ёки фирма вакили) ўртасида хар хил тушунмовчиликлар юзага келиши, шунингдек, гувоҳнома дастур орқали рўйхатга олинмаган бўлсада, пост ходимлари томонидан мазкур транспорт воситасига ЮЕБНК расмийлаштириб бериш ҳолатлари учрамоқда. Бу эса ўз навбатида ДБҚнинг тегишли бошқармалари томонидан хатоликларнинг аниқланишига ва эътиrozларга сабаб бўлмоқда.

Фикримизча, жисмоний ва юридик шахслар томонидан халқаро йўлларда ташиш китобчасини қўллаган ҳолда юкларни халқаро ташишга рухсат бериш тўғрисидаги гувоҳномани расмийлаштириш жараёнини тўлиқ электрон тарзга ўтказиш мақсаддага мувофиқдир.



Бунда гувоҳнома олишга талабгор бўлган шахс Ягона интерактив давлат хизматлари портали ёки ДБҚ расмий веб-сайти орқали электрон мурожаатни божхона органларида тақдим этади. Талабгор ўзининг электрон тарзда тақдим этиладиган аризасида транспорт воситаси (транспорт воситаси давлат рақами, русуми, фотосурати ва бошқалар), транспорт воситасига эгалик қилувчи ташкилот ҳамда ўзига яқин бўлган божхона органи (ТИФ божхона пости) тўғрисидаги маълумотларни кўрсатади.

Электрон мурожаат келиб тушган божхона органи амалдаги регламент/хужжатлар асосида электрон аризани кўриб чиқади. Автотранспорт воситаси белгиланган талабларга жавоб бермаса, камчиликларни кўрсатган ҳолда ДБҚ ЯААТ орқали мурожаатга рад жавоби берилади.

Агарда транспорт воситаси барча талабларга жавоб берса, у ҳақидаги маълумотлар ДБҚ ЯААТда шакллантирилади. Шу билан биргаликда талабгорниң шахсий кабинетига шу вақтни ўзида аҳборот тизимлари орқали гувоҳноманинг электрон нусхаси жўнатилади.

Мазкур таклифни амалга оширилиши натижасида ДБҚ ЯААТда Халқаро йўлларда ташиш китобчасини қўллаган ҳолда юкларни халқаро ташишга рухсат бериш тўғрисидаги гувоҳномалар реестрини реал вақт режимида шаклланиши таъминланади, шунингдек, ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиларини ортиқча вақт ва пул маблағларини тежалишига олиб келади.



Яна бир муаммо шундаки: тадбиркорлар томонидан халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатларнинг банк-молия тузилмалари маблағлари ҳисобидан олиб келинаётган асбоб-ускуналар учун имтиёзлар қўлланилиши, йифимлардан озод этилиши белгиланган ҳамда ушбу товарлар юзасидан тузилаётган импорт шартномалари ва уларнинг нархлари назорат қилинмаслик ҳолатлари учрамоқда. Бунинг натижасида айрим тадбиркорлар томонидан олиб келинаётган ушбу ускуналарнинг самараси ўта паст, тегишли талабларга жавоб бермаслиги, муқаддам фойдаланишда бўлган арzon нархдаги асбоб-ускуналарнинг усти қайта бўялиб, енгил таъмирдан чиқарилиб “янги” кўринишга келтирилган ҳолда олиб келиниши, ушбу товарларнинг нархи сунъий равишда оширилиб қўрсатилишига сабаб бўлмоқда. Шунингдек, асбоб-ускуналар юзасидан тақдим этилган БЮД ДБҚ ЯААТ дастури орқали автоматик равишда “яшил” ёки “сариқ” йўлакка йўналтирилган тақдирда, божхона ходими томонидан товарларнинг божхона кўригидан ўтказмаганлиги сабабли асбоб-ускунанинг ишлаб чиқарилган йили бўйича маълумотга эга бўлиш имкони мавжуд әмас.

Фикримизча, халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг қарз маблағлари иштирокида олиб келинаётган асбоб-ускуналар юзасидан тузилаётган импорт шартномалари ва уларнинг нархларини назорат қилиш механизмини яратиш. Бунда тузилган шартнома ва шартномада назарда тутилган товарларнинг нархларини тасдиқловчи Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузуридаги “Лойиҳалар ва импорт контрактларни комплекс экспертиза қилиш маркази” ДУКнинг ижобий хулосасини олган тақдирда БЮД расмийлаштиришга рухсат бериш. Расмийлаштирилаётган БЮДлар “яшил” ёки “сариқ” йўлакка тушса хам ходимлар томонидан жойларга чиқиб ускуналар бўйича ўрганиш ишларини амалиётга жорий этиш.

Божхона назоратининг техник воситаларини қўллаш орқали текширилган товарлар ҳажмини ва божхона назорати сифатини ошириш мумкин. Аммо, бир нарсани доимо эсда тутиш керак, божхона назоратининг техник воситаларини қўллаш контрабанда товарларини аниқлаш миқдорини оширса ҳам, божхона орқали ўтадиган товарлар миқдорини камайтиrmайди.

**Хулоса** сифатида шуни таъкидлаш жоизки, божхона тўловларини ҳисоблаш, ундириш ва давлат бюджетига ўтказишида ахборот технологияларини қўллашда рақамли божхона тизими юқори самара бермоқда. Бу эса қуйидаги йўналишдаги ишларни ривожлантиришни тақозо этади:

– божхона органларига юборилаётган электрон БЮДларга илова сифатида тақдим этилаётган товарга тегишли сертификатларга, ҳисоб-



фактура ва бошқа ҳужжатларни рақамлаштириш, яъни расм форматидаги ҳужжатларнинг ўзида ушбу ҳужжатларни берувчи ташкилот томонидан ундаги маълумотларни ўз ичига олган штрих кодни жойлаштириш амалиётини жорий этиш таклиф этилади. Бу эса электрон шаклда тақдим этилаётган мазкур ҳужжатларнинг асллигини ҳамда реал вақт оралиғида текшириш имкониятини яратади. Бунда ҳужжатларни қалбакилаштириш ҳолатларини олди олинади, натижада божхона расмийлаштируви жараёнида тўловлари ундиришини такомиллаштиришга хизмат қиласади.

– Божхона тизими учун замонавий рақамли ахборот технологиялари бўйича билим ва қўникмаларга эга бўлган малакали кадрларни тайёрлашни такомиллаштириш ва божхона соҳасида хизмат олиб бораётган ходимларни малакасини доимий равишда ошириб бориш мақсадга мувофиқдир.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Матвеева Н.В. Особенности помещения товаров под таможенные процедуры переработки на современном этапе / Н. В. Матвеева // Ученые записки Санкт-Петербургского имени В.Б. Бобкова филиала Российской таможенной академии. -2018
2. Shadibekova, D. (2019). Challenges on digital economy in sample of various income economies as an development instrument in Uzbekistan. Архив научных исследований, 1(1). извлечено от <https://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/476>
3. Shadibekova, D. (2019). Foreign investments and innovative development – is the most important factor in expanding Uzbekistan's production capacities. Архив научных исследований, 1(1). извлечено от <https://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/479>
4. “Ягона дарча” ахборот тизимини амалга ошириш механизми. <http://tfig.unece.org/RUS/contents/swif.htm>.
5. Савдони енгиллаштиришнинг ўзига хос тамойиллари ва фойдалари. <http://tfig.unece.org/RUS/details.html>.
6. Web-сайт ec.europe.eu “Система Управления таможенными рисками (CRMF)” 2021 йил 5-апрел.
7. Хўжаев, Фазлиддин Элмуродович. "БУХОРО ВИЛОЯТИДА МАҲСУЛОТЛАР ЭКСПОРТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТИЗИМИНИ САМАРАЛИ БОШҚАРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ." Иқтисодиётда инновация 10.3 (2020).
8. Sobirovna, Dilorom Kosimova, and Adashev Azimjon O'rino boyevich. "Directions for increasing product competitiveness in industrial enterprises." Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR) 8.7 (2019): 29-35.
9. Abrorjon, Kucharov, and Ishmanova Dinora. "XALqARO BIZNESDA GLOBALLASHUVNING ROLI." Архив научных исследований 1.1 (2021).



- 
10. Molyneux, Philip, and Munawar Iqbal. *Banking and financial systems in the Arab world*. Springer, 2016.
  11. Kamalova, Elvira. "Improvement on management methods of innovative development over the international road transport." *TRANS Asian Journal of Marketing & Management Research (TAJMMR)* 6.5 (2017): 4-18.
  12. Маҳмудова, Нозимахон Баҳриддинхонова. "ХИЗМАТЛАР БОЗОРИНИ МОҲИЯТИ ВА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ЯРАТИЛИШИ." *EDITORIAL BOARD* (2022): 182.
  13. Gafurov, Ubaydullo, and Zulfiya Xamidova. "Theoretical and methodological basis of the nature study and characteristics of craft work." *Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar* 5 (2019): 76-82.
  14. Абдуллаева, М. (2021). Формирование патриотической культуры у военной молодежи в современных условиях на примере жизнедеятельности З.М. Бабура. *in Library*, 21(1), 1-14. извлечено от <https://inlibrary.uz/index.php/archive/article/view/8757>